

Юртимизда «Насия савдо қоидалари, муаммолари ва ечимлари, ижара ҳамда бизнесда барака омиллари» мавзусида амалий семинар ўтказилади



14:35 / 07.10.2021 2177

2021 йил 9 октябр, шанба куни Тошкент шаҳрида «Ислом молияси» лойиҳаси ҳамда «Islamic Business and Finance» (IsBF) компанияси томонидан «Ислом молияси: насия савдо қоидалари, муаммолари ва ечимлари, ижара ҳамда бизнесда барака омиллари» мавзусида амалий семинар ўтказилади.

Семинар давомида иштирокчилар қуйидаги билим-кўникмаларга эга бўлишади.

- Ислом молияси ҳақида асосий тушунчалар;
- Ислом молия тизими ва анъанавий молия тизими ўртасидаги фарқлар;
- Ислом молиясидаги асосий тақиқлар;
- Ислом молиясида қўлланиладиган савдо шартномалари;
- Бизнесда барака омиллари ва бошқа турли хил мавзулар.

Бундан ташқари:

- Бўлиб тўлаш (халқ тилида «рассрочка» деб ҳам номланади);
- Дистрибьютор/дилерликнинг Ислом молиясига мувофиқ кўриниши;
- Шартномаларда «жарима», «пеня» каби молиявий жазолар;
- Анъанавий лизингнинг Ислом молиясига номувофиқ бўлган жиҳатлари;
- Сармояни кўпайтиришнинг Ислом молияси талабларига жавоб берадиган шакллари каби масалаларга жавоб олиш мумкин.

Ушбу семинар Ислом молияси ва банкчилиги бўйича кўп йиллик тажрибага эга мутахассислар томонидан ўтказилади. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлими мудир, «Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати аъзоси Муҳаммад Айюб домла Ҳомидов, Жаҳонгир Имамназаров, Музаффаржон Низомиддинов, Козимхон Тўраев, Музаффар Ҳусниддиновлар иштирок этишади.

Шунингдек, барча семинар-тренинг қатнашчилари учун махсус телеграм гуруҳи очилади. Бу телеграм гуруҳида барча асосий тренерлар ҳам бўлишади. Иштирокчилар тренингдан кейин ҳам амалий саволларига жавоб олишлари мумкин.

Семинарда иштирок этиш нархи:

* 500 000 сўм (офлайн қатнашувчилар учун);

* 300 000 сўм (онлайн қатнашувчилар учун)

Иштирок этишни истаганлар қуйидаги ҳавола орқали рўйхатдан ўтишлари ва тўлов қилишлари мумкин:

<https://clck.ru/XwWUp>

Тўловларни қандай амалга ошириш мумкин?

Агар иштирокчи жисмоний шахс бўлса, тўловларни Рауме иловаси ёрдамида амалга ошириши мумкин.

Юридик шахслар тўловларни ўз ҳисоб рақамларидан ҳам тўлаш имконияти мавжуд.

Шартнома олиш учун менежер билан боғланиш лозим: @IsBF_Trening
(телеграм)

Шошилинг, семинар-тренингга 2 кун қолди!

Қўшимча маълумотлар:

+998992772000

@IsBF_Trening